Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1998 йил, 29 май, № 21 (164) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

● Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак.

***

● Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон — миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар — Ватанимиз фарзандидир.

***

● Бугунги олиб бораётган ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам истак ва умидлари бор.

***

● Умум эътироф этган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади.

***

● Биз қураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

***

● Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак.

ЎЗБЕКИСТОН:

❖ ЯНГИЛИКЛАР
❖ ВОҚЕАЛАР
❖ ХАБАРЛАР

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 май куни мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия кенгаши котиби Борис Березовскийни қабул қилди.**

● 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Австрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳайдемария Гюрер ишонч ёрлиғини топширди.

● **Шу куни Президент Ислом Каримовга Греция Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Димитриос Кипреос ҳам ишонч ёрлиғини топширди.**

● Давлатимиз раҳбари Уругвай Шарқий Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Педро Дондо Куадреллидан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилди.

● *СУРАТДА: Мураббий Раъно Омонова ёш авлоднинг келажагидан умиди катта.*

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси паспорт режимини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар, ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.**

● 29 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Ҳалилов бошқарди.

● **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси А. Азизхўжаев бошқарди.**

Internet
ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

● Америка Қўшма Штатлари Грузия ва Абхазия ҳарбий гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувларнинг кучайиб бораётганини кескин қоралади. 20 май куни Абхазиянинг Гали туманида бошланган қурғолли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Грузинлар ва абхазлар томонидан кўп кишилар ҳалок бўлган. Шу боис Америка Қўшма Штатлари маъмурияти у ердаги вазиятнинг мураккаблашиб кетаётганидан хавотирга тушмоқда. АҚШ раҳбарияти қуролли тўқнашувлар содир бўлаётган ҳудудга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кузатувчиларининг юборилишини таклиф этди.

● **Туркиянинг ядро қуроли ишлаб чиқариш нияти йўқ. Бу ҳақда Туркия Ташқи ишлар вазирлиги баёнот берган. Сўнгги вақтда оммавий ахборот воситаларида Анқара ядро қуроли ишлаб чиқармоқда, деган хабарлар тарқатилган эди. Туркия Ташқи ишлар вазирлиги ўз баёнотида бу хабарларни рад этиб, Анқара ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги умумжаҳон Шартномасига қўшилганини қайд этди. Шунингдек, Туркия ҳукумати бошқа давлатларни ҳам ушбу Шартномага қўшилишга даъват этади.**

● *СУРАТДА: Португалия кўчаларида.*

● Америка яҳудийлари Конгресси АҚШ Президенти Билл Клинтонни Кубага нисбатан бир неча йилдан бери қўлланиб келинаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга даъват этди. Яҳудийлар Конгресси раҳбари Жак Розен якинда Кубага ташриф буюрган эди. Ташрифдан сўнг Жак Розен Кубага қарши жазоларни бекор қилиш таклифини илгари сурди. 10 йилдан бери давом этиб келаётган бу жазолар Кубанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини издан чиқарган, аҳоли турмуш даражасининг жуда пасайиб кетишига сабаб бўлган.

● **Араб давлатлари Лигаси Миср ва Франция Президентларининг Яқин Шаркда тинчлик ўрнатиш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш ва давом эттириш мақсадида халқаро анжуман ўтказиш ҳақидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Лига Бош котиби Исмат Абдулмажиднинг баёнотига кўра, 22 араб мамлакати ушбу анжуман ўтказилишини ёқлаб овоз берган. Бу фикр Миср Президенти Хусни Муборакнинг Францияга ташрифи асносида Президент Жак Ширак билан бўлган музокаралари чоғида илгари сурилган эди.**

● Хитой полициячилари Юннань вилоятида яширин равишда Таиланд, Мьянма, Лаос ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа давлатларига ёш қизларни жўнатиш билан шуғулланаётган йирик жиноий гуруҳни фош этдилар. Жиноятчилар Хитой, Сянган ва Таиланд фуқаролари бўлиб, улар шу йилнинг ўзидаёқ 18 ёшгача бўлган мингдан ортиқ қизларни хорижга сотиб юборишган.

● **Ҳиндистонда янги телеканал ташкил этилиш арафасида турибди. Ҳиндистон алоқа ҳамда телерадио масалалари вазири Сваражнинг баёнотига кўра, янги телеканал Би-Би-Си, Си-Эн-Эн каби хорижий оммавий ахборот воситаларига қарши қаратилган бўлади. Янги телеканалда Ҳиндистон ҳақидаги иғво хабарларга қарши кўрсатувлар намойиш этилади. Ҳиндистоннинг янги телеканали Ташқи ишлар вазирлиги иштирокида ташкил этилади.**

Ўзбекистон Ахборот агентлиги хабар қилади:

ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Халқимиз қанот қушни юксакка кўтаради, дейди. Давлатни, жамиятни-чи? Уларга маънавият қанот бағишлайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, юксак маънавият — келажак пойдеворидир.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг «Маънавият» нашриёти «Юксак маънавият — келажак пойдевори» сарлавҳаси остида чоп этган рангли плакатлар туркуми ана шу ҳаётбахш ғоя билан йўғрилган.

«Растр» қўшма корхонаси томонидан юқори матбаа ижросида босилган бу плакатларда маънавиятнинг давлат ва жамият ҳаёти, иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрни кўрсатиб берилган. Суратларда маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиши акс этган.

Плакатларда истиқлол туфайли тикланаётган неча минг йиллик қадриятларимиз ва анъаналаримиз асосида ёшларда она Ватанга меҳр, миллий ғурур, тарихий меросга муҳаббат камол топиб бораётгани ифодаланган.

Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Плакатларда оила манфаатларини таъминлаш, унинг иқболи тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимиз, жамиятимиз диққат марказида экани тасвирланган.

Ўзбекистон — хорижлик нигоҳида

САМСУНГ – УЧ ЮЛДУЗ ДЕМАКДИР

Корейс тилидаги «самсунг» атамаси коинотдаги уч ёруғ юлдуз деган маънони англатар экан. Шунингдек, бу атама қадимий араб ва туркий асарларда ҳам учрайди. Жанубий Кореядан мамлакатимиз пойтахтига келган меҳмон санъаткор Пенгха Юннинг таърифлашича, одамзот қадим замонлардан буён самсунг юлдузларидек ёруғ ва қувватли бўлишни орзу қилган. Уч нарса бирлашса бир жойда янада бақувват ва мустаҳкам бўлади. Меҳмоннинг айтишича, ўлкаларимизнинг халқ оғзаки ижоди, яъни, достонлари ва эртакларидаги ғояларда ўхшашлик бор. Бу ўхшашлик турмуш маданиятларимизда ҳам учрайди.

Пенгха Юн ҳозир 76 ёшда бўлишига қарамай жуда тетик. Тез югуради. Йигитлардек чаққон ҳаракат қилади. Бутун ҳаётини амалий рассомчиликка бағишлаган. Қовоқ палласи косасига расм чизишдан тортиб ажойиб деворий суратларгача ишлайди. Одамлар турмушида ишлатиладиган ранг-баранг кийимлар ва идишларни ўз қўли билан чинакам санъат даражасида бажаради. Вақт топилганида халқ амалий санъати асарлари ҳақида илмий китоблар ёзади.

Пенгха Юн Корея Республикасида таниқли маданият арбоби ва педагогдир. У Тошкентда тантанали равишда очилган корейслар ўқув марказига ҳурматли меҳмон бўлиб келди. Икки ҳафталик сафар чоғида отахон бир қатор олий ўқув юртларида учрашувлар ўтказди.

Пенгха Юннинг бирдан бир орзуси Узбекистонни, унинг пойтахтини кўриш эди. Кореялик бу ажойиб санъатшунос ва рассом Тошкентдаги Амир Темур ҳайкали, «Темурийлар тарихи» Давлат музейи олдида қизиқиш билан суратга тушди.

— Мен сизнинг бобонгиз ҳақида кўп эшитганман. У жуда катта лашкарбоши ва давлат арбоби бўлган. Ҳайкал ниҳоятда салобатли ва улуғвор ишланган. Бу обидалар ўзбек халқининг фахри. Бундай улуғ инсоннинг ҳурматини жойига қўйган юртбошингиз ҳеч қачон кам бўлмайди.

Сизнинг диёрингиз аграр мамлакат экан. Президентингиз Ислом Каримов мамлакатни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ишлар олиб бораётганлиги мени лол қолдирди. Бундай имкониятларни хорижда фақат орзу қилиш мумкин.

Корейсларни кенг бағрига олиб яшаётган ўзбек халқига чин қалбимдан таъзим қиламан!

Абдулла ПЎЛАТОВ.

СУРАТДА: Кореялик меҳмон Пенгха Юн азим Тошкентнинг Амир Темур ҳиёбонида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Суд залидан

АФСУС ВА НАДОМАТ

Наманганда бир неча кундан буён давом этаётган очиқ суд жараёнлари ниҳоясига етди. Вилоят суди томонидан уюшган жиноий гуруҳнинг 12 нафар аъзоси устидан ҳукм чиқарилди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, судланувчилар мустақил республикамизнинг амалдаги қонунларига тўла амал қилинган, суд жараёнларининг ошкоралиги таъминланган ҳолда очиқ суд қилинди. Суд залида нафақат маҳаллий ва республика оммавий-ахборот воситалари вакиллари, балки «БИ-БИ-СИ», «Озодлик» каби хорижий мамлакатларнинг матбуот вакиллари ҳам иштирок этганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Очиқ суд жараёнининг яна бир муҳим жиҳати, айбланувчиларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида судланувчи ҳимоя ҳуқуқига, яъни адвокат ёллаш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Бироқ аксарият судланувчиларнинг ота-оналари, яқинлари ҳимоячи олишдан бош тортдилар. Шундай бўлсада, жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳимоя ҳуқуқи кафолатланди. Яъни улар конституциявий тузумни «жиҳод» йўли билан агдариб ташлашда ва давлатга қарши фитна уюштирганликда айбланаётган бўлишларига қарамай давлат ҳисобидан ҳимоячилар билан таъминландилар.

Очиқ суд жараёнида бир неча жилддан иборат тергов ва айблов хулосалари ўқиб эшиттирилди ва юздан ортиқ гувоҳлар сўроқ қилинди. Ачинарлиси, судланувчиларнинг кўпчилиги дастлаб Афғонистон, Покистон каби хорижий мамлакатларга диний таълим олиш учун борганлигини такрор ва такрор айтишди. Ҳолбуки ўзимизда, яъни Тошкент ва Бухорода диний мадрасалар бўла туриб, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, мустақил республикамиз чегараларини қонунга хилоф равишда бузиб ўтиб, тоғу-тошларда сарсон бўлиб, хуфёна йўллар билан хорижий мамлакатларга бориб таълим олишга уларни нима мажбур қилди деган ҳақли савол туғилади. Суд жараёнида ана шу саволларга атрофлича жавоб олинди. Жиноий гуруҳ аъзоларининг бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари замирида илмга чанқоқлик эмас, балки ғаразли ният, ўз халқи, Ватанига тажовуз қилиш мақсади ётганлиги инкор этиб бўлмайдиган ашёвий далиллар, гувоҳлар билан исботланди.

Шундан сўнг жиноий гуруҳ аъзолари ўзларининг жиноятқорона қилмишларини ихтиёрий тан олдилар. Улар энди кўзи очилганлигини, қилган гуноҳларидан минг пушаймон эканликларини айтиб суд ҳайъатидан айбларини енгиллатишни ўтиниб сўрадилар.

Ўз қилмишларидан пушаймонлик, жиноят кўчасига адашиб кириб қолганлигидан минг бор афсус-надомат қилиш ҳолатлари суд жараёнлари якунида янада яққолроқ кўзга ташланди. Жумладан, судланувчи Раҳимжон Хожиев, Акмал Хайдаров, Қосимжон Солихонов жиноятқорона қилмишларини ошкора тан олиб, кўзларидан аччиқ ёш билан Наманган вилоят, умуман республикамиз халқидан кечирим сўради. Ёшларни дин ниқоби остидаги жиноятчиларнинг сохта даъватларига, ҳар қандай ҳийлаю-найрангларига берилмасликка, уларга эргашиб ўзлари каби халқ олдида юзлари қаро, бадном бўлиб қолмасликка чақирди.

Суд ҳайъати уларнинг чин кўнгилдан қилган пушаймонлари тавба-тазарруларини инобатга олиб, инсонпарварлик тамойиллари асосида ҳукм чиқарди. Раҳимжон Хожиев ва Акмал Хайдаров ҳар бири 8 йилданга, Қосимжон Солихонов 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг ўзларига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазо муддатини қаттиқ тартибли колонияда ўтиши тайинланди.

Ҳа, қонун ҳамма учун баробар. Уни писанд қилмаган, халқ тинч-осойишталигини бузган ҳар бир фуқаро ким бўлишидан қатъий назар суд олдида жавоб беради. Ана шу пайтдаги аччиқ кўз ёшлари ва пушаймонлардан фойда бўлмайди. Наманганда бўлиб ўтган очиқ суд жараёнлари бунинг ёрқин мисолидир. Зеро, бу бошқалар учун ҳам сабоқ бўлса ажабмас.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

Факт ва шарх

ДОҒИСТОН УЗРА БУЛУТЛАР ҚЎЛАНКАСИ

«Бу ерда эркаклар қалин, узун соқол қўйиб, аёллар эса қора чодрага ўраниб юриши мажбурий тус олганлиги, буларнинг барчаси Россия фуқаролари эканлигига сира ишонгинг келмайди», деб ёзади Доғистоннинг Қорамоҳи қишлоғида бўлган «Комсомольская правда» газетаси мухбири. Сўнгги пайтда Доғистонда юз бераётган қонли воқеалар ваҳҳобийлар оқимига мансуб экстремистларнинг қилмишлари эканлигини федерал ҳукумат ва оммавий ахборот воситалари тан олишди.

Доғистон ақидапарастлари бошқа жойларда бўлгани каби, ҳукумат ва маъмурий органлар вакилларига ҳужум қилиб, оммавий тартибсизликлар уюштириш, шу орқали аҳоли орасига нифоқ солиш ва қўрқув уйғотиш ва ўз ниятларига етишни мақсад қилиб қўйишган. Махачқалъа ва Қорамоҳи қишлоғида содир бўлган тўқнашувлар моҳияти шундан дарак бериб турибди.

Махачқалъада ҳукумат биноси ака-ука Хачилаевлар тарафдорлари томонидан босиб олинишини ваҳҳобийлар «эркин ҳаракат қилиш даври», дея тушуниб дарҳол Қорамоҳи қишлоғи милиция бўлимига ҳужум қилишади. Орадан икки кун ўтгач қишлоққа милициячиларнинг кичик бир гуруҳи жўнатилади. Милиция машиналари ақидапарастлар томонидан қуршаб олиниб, милициячилар қуролсизлантирилади, қаршилик кўрсатишга уринганлардан бири оғир яраланади, иккинчиси шу жойнинг ўзидаёқ отиб ташланади. Бу воқеа бутун республика аҳолисининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Ваҳҳобийларнинг ноқонуний ва шафқатсиз ҳаракатларидан оғир оқибатларга олиб келувчи фожиаларнинг совуқ нафаси эса бошлаган эди. Кейинги воқеалар ҳукумат вазиятни анча-мунча қўлдан чиқаргани, чоралар кеч кўрилганидан дарак бермоқда. Қорамоҳи қишлоғига жўнатилган милициянинг қўшимча кучларини замонавий қуроллар билан қуролланган 200 нафардан зиёд ақидапарастлар қулай истеҳкомларга ўрнашиб олган ҳолда кутиб олишди. Тўқнашув ҳақиқий урушга айланиб кетиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, жангарилар билан музокарага киришилди. Россия ички ишлар вазири ўринбосари Л. Шевцовнинг айтишича, ақидапарастлар Доғистонни Россиядан ажратиб олиб, Чеченистон билан биргаликда ягона тоталитар ислом давлати барпо этишни ният қилишган.

Россия газеталарининг ёзишича, Доғистон ваҳҳобийлари хориждан, энг аввало Саудия Арабистонидан катта миқдорда молиявий мадад олмоқдалар. Ақидапарастларнинг раҳнамолари хорижий банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга. Одамларнинг кулфатфожиалари эвазига келаётган пуллар туфайли ақидапарастлик йўлини танлаган кишилар орасида икки қаватли уй қуриш, «КамАЗ» машинаси сотиб олиш урф бўлди, деб ёзади журналистлар. Шу боис Доғистонда ваҳҳобийчиларни «КамАЗчилар» деб ҳам атай бошлашибди.

Ҳозир кўпчиликни маҳаллий ҳукумат бу оқим авж олиб кетишига қандай йўл қўйди, деган савол ўйлантирмоқда. Ўтган йили Қорамоҳи қишлоғида доғистонликлар учун анъанавий ҳисобланган тариқат оқимига мансуб кишилар билан ваҳҳобийлар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув ва тариқатчиларни қишлоқдан ҳайдаб чиқарилиши ҳам ҳукуматни ҳушёр торттирмади. Боз устига айрим раҳбарлар ўзларининг чиркин манфаатлари ва кирдикорларини яшириш йўлида ваҳҳобийлар кучидан фойдаланишган. Масалан, «Труд» газетасининг ёзишича, Махачқалъа шаҳри марказидаги энг катта бозорни шаҳар четига кўчиришга қарор қилинганди. Чунки шаҳар марказида санитария ҳолати кескин ёмонлашиб, атрофда чиқиндилар «тоғи» вужудга кела бошлаган. Бу эса шаҳар аҳолисини ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Бозордаги асосий савдо нуқталарининг ярми шаҳардаги Совет райони маъмурияти бошлиғига, қолган қисми эса пойтахт милицияси раҳбарларига тегишли бўлиб, улар мўмай даромаддан ажралиб қолмаслик учун, одамларни бозорни кўчириш қарорига қарши ёқлантириб, жуда катта митинг ўтказишган. Митингчилар сафини эса халқ номидан бекорчи унсурлар, ақидапарастлар, жиноят олами «вакиллари», ур-йиқитга иштиёқманд оломон тўлдиришди. Республикадаги барқарорликдан кўра бозордаги дўконни устун қўядиган айрим раҳбарлар Доғистонда вужудга келган ниҳоятда таранг вазият соясида амал курсиларини эгаллаш ва мустаҳкамлашни кўзламоқдалар.

Россиядаги сиёсатчилар, кузатувчилар Доғистондаги ҳозирги мураккаб аҳвол сабаби сифатида чўқур илдиз отган ижтимоий муаммоларни алоҳида таъкидлашмоқда. Мамлакат Хавфсизлик Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ҳам Шимолий Кавказ, хусусан Доғистондаги вазият алоҳида муҳокама қилинди. Мажлисда республикада узоқ йиллардан буён ижтимоий масалалар ечимига эътибор берилмаганлиги, ёшларнинг 90 фоизи ишсиз (бу Россиядаги энг юқори кўрсаткич) эканлиги қайд этилди. Доғистон Хавфсизлик кенгаши котиби Магомет Толбоев: «диний экстремизм, уруғ-аймоқчилик, коррупция» республикани жар ёқасига олиб келди, деб муаммонинг илдизларини кўрсатиб берди. Шу боис ушбу минтақа билан шуғулланувчи алоҳида федерал ҳукумат органи тузишга киришилди. Ақидапарастлик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб боришни мувофиқлаштириш ички ишлар вазири зиммасига юкланди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг май ойи бошида Россияга қилган давлат ташрифи давомида ақидапарастлик ва экстремизга қарши курашда мамлакатларимиз ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган келишувни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Воқеалар ривожи диний экстремизм ва фундаментализм фақат айрим давлатларгагина эмас, бутун дунёга хавф солаётган куч сифатида, унга қарши курашда ҳам барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Жалолиддин САФОЕВ.

Фармон ва ижро

БОЗОР БЕФАРҚЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Мамлакатимиз Президентининг бугун бозорларда тартиб интизомни ўрнатиш, савдо ва муомала маданиятини кўтариш, уларда қонун устиворлигини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш борасидаги фармонлари негизида ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек бозорларимизни чинакамига шарқона бозорларга айлантиришдек энг долзарб вазифа ётибди, десак муболаға бўлмайди.

Бозор аввало халқни боқадиган, одамларни бозор муносабатларига ўргатадиган ўзига хос, иқтисодий марказдир. Унинг қонунлари ҳам ўзига хос, ташқаридан бирор бир куч бу қонунларни ўзгартира олмайди. Меҳнат қилиб тадбиркор бўлган инсонгина бозордан жой олиши мумкин. Бозор бирор кун бўлмасин бефарқ бўлишни, маъсулиятсизликни, тартибсизликни ва қонунсизликни сиғдира олмайди. Ана шундай иллатлар мавжуд бўлган бозорда эса адолат мезони бузилади.

Бозорлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида Бухоро вилояти ҳокимлиги, шунингдек, жойлардаги шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир қатор ижобий тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бугунги Бухоро бозорлари бундан 5-6 йил олдинги бозорлардан тубдан фарқ қилади. Уларда кенг кўламда қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бозорлар акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Бозорда доим тартиб бўлишини таъминлаш, нархларнинг сунъий равишда кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик вилоят ҳокимлиги бошчилигида бошқа назорат тафтиш органларининг ҳам диққат марказида турибди. Савдо расталарида ўз маҳсулотларини сотиш борасида бевосита қишлоқ жойларидан келаётган деҳқонларга шароитлар яратиб бериш, санитария-гигиена ҳолатини талаб даражасида сақлаш юзасидан бир қанча ижобий ишлар қилинмоқдаки, улар бугунги бозорнинг ҳукуматимиз қўяётган талаблар даражасида шакллантириш сари муҳим қадамлар бўлмоқда.

Ҳар бир бозорда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда. Бу ишчи гуруҳлари зиммасига вилоятдаги бозорларни ҳар томонлама бугун республика раҳбарияти қўяётган талаблар даражасига кўтариш вазифаси юклатилган. Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқ тартибот ва солиқ органлари бу ишда ҳокимликларга яқиндан туриб ёрдам беришмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар туфайли ҳозир Бухоро бозорларида нархларнинг турғун ҳолатда сақланишига эришилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган ижобий ишлар кўламига қарамай, бозорларни республика ҳукумати қўяётган талаблар даражасига кўтаришда бир қанча камчиликлар мавжуд. Аввало айрим жойларда бозорларнинг тозалигини таъминлашга, нархлар мўътадиллигига эришишга тегишли ташкилотлар ва масъул кишиларнинг уқуви, иродаси етишмаяпти. Бундай аҳволни Бухоро, Гиждувон, Когон шаҳарлари ва бир қатор туманларнинг марказларидаги деҳқон бозорларида кўришимиз мумкин. Бозорларда олибсотарликка қарши иш олиб борилаётганлигига қарамай бугунги кунда уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Маҳаллий ҳокимият идоралари савдо учун энг қулай жойларни деҳқонларга ажратиб, тартибга солаётган бўлсада, ҳамон бу жойларни савдогарлар эгаллаб келмоқдалар. Уларга нисбатан чора кўришда эса ҳокимликлар томонидан тузилган ишчи гуруҳларнинг қуввати етишмаяпти.

Вилоят солиқ бошқармаси мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 5-мартдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши назорат қилинганида вилоят бўйича 1998 йилнинг 5 ойи давомида барча бозор ва ярмаркалардан жами 19274,6 минг сўм патта йиғими ундирилиб, шундан 9637,3 минг сўм патта тулови бозор ихтиёрида қолдирилгани аниқланган. Бюджетга туширилгани эса 9637,3 минг сўм. Ўтказилган 14 та текшириш натижасида патта тўловини ўз вақтида бюджетга кўчирмаганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар солинди.

Фақат биргина солиқдан, яъни, виждонидан эмас жаримадан қўрққан айрим тадбиркорлар бошқа шахсга тегишли бўлган гувоҳнома билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган 25 та фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан 63,5 минг сўм жарима солинди ва бюджет ҳисобига ундирилди.

Ҳокимликлар қошидаги воя-га етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг ҳам фаолияти талабга жавоб бермайди. Чунки бозорда асосан ёш болаларни кўрасиз. Бири чалак кўтариб сув сотиб юради, иккичиси халатсиз, санитария кўригидан на сотаётган маҳсулоти ва на ўзи ўтмаган бўлишига қарамай растамараста тоғора кўтариб юради. Айниқса, ҳозир ёзги таътил бошланиши билан ёш болалар турли, яъни ёшига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланишади. Тўғри, болалар оиласига ёрдам учун меҳнатни ўргангани маъқул. Лекин пул топиб келар экан деб улардан турли мақсадларда фойдаланиш ўша ота-она учун ачинарли ҳол. Жамоатчилик ҳам кўп ҳолларда ўз бефарқлигини билдириб қўяяпти.

Ёз пайти ҳаво ҳароратининг иссиқлиги қай даражада юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Бозорларнинг кўпчилигида тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари музлатгичларда сақланмасдан усти очиқ ҳавода сариғ ёғ, торт ва сутдан бўлган турли маҳсулотлар сотилаяпти. Бунга ким кафолат бера оладики, маҳсулотни истеъмол қилганда ҳеч қандай носоғлом ҳолат содир бўлмайди деб. Бунда албатта, вилоят санитария эпидемиология станцияси ходимларининг ўз ишларига панжа орасидан қараяптилар деган маъно келиб чиқади.

Шу билан бирга ўзини акциядор деб эълон қилган ва ҳанузгача акцияларини қандайдир сабаблар билан сотмаятган Бухоро шаҳар марказидаги бозор жамоаси иш йўналишлари қайта кўриб чиқилиб тартибга солинса ёмон бўлмас эди.

Бозор—иқтисодимиз юраги. Лекин мана шундай ҳолатларга нисбатан кўрилаётган чоралар таъсирчанлиги жуда суст. Фармон талабларини бажармоқ шу соҳага масъул бўлган ҳар бир раҳбар ходимнинг диққат марказида бўлмоғи шу кун талабидир.Зеро, эскидан қолган шундай бир гап бор: бирор бир халқнинг маданияти қай даражада эканлигини билмоқчи бўлсанг унинг мозорини ва бозорини бориб кўр дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Юзлаб одамлар тўда бўладиган, ризқ-рўз топадиган бозорда беихтиёр халқнинг маданияти, унинг ички дуёси яққол намоён бўлади.

Гулнора САМИЕВА,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Янги нашрлар

ЙЎЛБОШЧИНИНГ ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Шундай ажойиб асарлар бўладики, уларни кенг жамоатчилик, эл-юрт юксак даражада эъзозлайди, катта завқ-шавқ ва меҳр-муҳаббат билан ўқиб-ўрганади. Минг-минглаб пок ниятли одамлар ўзларининг назарий билимларини бойитиш ва чуқурлаштириш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, жамиятнинг ривожланиш қонунлари, ҳозирги даврнинг асосий муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари нимадан иборатлигини тўғри тушуниб, илмий-фалсафий мушоҳадалаш учун бундай асарлардан қўлланма сифатида фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бунёдкорлик йўлидан», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли асарлари, бошқа барча китоб ва рисолалари ана шундай бебаҳо асарлар сирасига киради.

Шу боис ҳам Ислом Каримов асарларининг эл-юрт назарига тушиб, катта эътиборга сазовор бўлиши, қисқа вақт ичида ўн бешдан ортиқ хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳон афкор оммаси маънавий хазинасининг бебаҳо дурдонасига айланиб қолиши бежиз эмас.

Яқинда фалсафий ва маънавият муаммоларига бағишланган китоблари ва долзарб мақолалари билан жамоатчиликка танилган таниқли файласуф олим Дўнан Ғаниев ва Тошкент Давлат юридик институти фалсафий фанлар кафедраси доценти Зоҳир Ғафуров Президентимиз Ислом Каримов асарларидаги ёшларимизнинг маънавий камолоти учун ғоят долзарб бўлган ҳикматли сўзларни тўплаб кичик мажмуа тарзида **«Инсон бахт учун туғилади» («Шарқ» нашриёт — матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1998 йил)** деган ном остида ўн минг нусхада чоп эттирдилар.

Бу китобнинг энг муҳим томони шундан иборатки, муаллифлар Президент асарларидаги XXI аср бўсағасида Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаган буюк воқеа — мустақиллик, унинг қўлга киритилиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг зарурияти ва моҳияти сингари долзарб масалаларни мазмун-маъносига қараб, шартли равишда кичик-кичик мавзучаларга ажратилган шаклда беришга ҳаракат қилганлар. Фикримизча муаллифлар бу китобнинг, «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Мустақиллик — муқаддас неъмат, улкан масъулият», «Ижтимоий адолат, қонунчилик тўғрисида», «Ўзбек халқининг асосий хислат ва фазилатлари ҳақида», «Инсон бахт учун туғилади», «Юрт тинчлиги ва осойишталиги — бебаҳо бойлик», «Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси», «Сахий замин саховатли одамлар» каби бўлимларида юртбошимизнинг мустақил Ўзбекистоннинг қисқагина давр ичида мазмунан ўн йилларга, балким асрларга тенг келадиган тарихий ютуқларига баҳо берилган, тарихий тараққиёт йўлимиз, Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантиришнинг асосий шарт-шароитлари ва имкониятлари, белгилаб берилган стратегик тамойиллари ва йўналишлари, кишиларни Ватанимиз ва халқимиз бахт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилишга, моддий ва маънавий бойликлар яратишга, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга, илм-фан асосларини, замонавий техника ва технология, электроника, радио ва кибернетикани, бир неча хорижий тилларни мукаммал ўрганишга, уддабурон ва ишбилармон, фидоий ва маънавий баркамол инсонлар бўлишга, қонун устиворлигини таъминлашга даъват этилган пурмаъно ва ҳикматли сўзларнинг мағзини мушоҳада қилишга китобхон эътиборини қаратади.

Шу билан бирга бу китобнинг асосий маъноси, бош ғояси, бизнинг назаримизда, Президент Ислом Каримов асарларидаги «Бозор иқтисодиёти ва маънавият», «Маънавият, жамият тараққиётининг муҳим омили», «Халққа раҳнамолик — улкан масъулият», «Шарқона ва умумбашарий қадриятлар», «Савоб ва эзгуликнинг боқийлиги ҳақида», «Илм — фан, маърифат тўғрисида», «Оила — жамиятнинг негизи», «Миллий гурур, миллий ифтихор хусусида», «Халқимизнинг буюк сиймолари ҳақида», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзучаларидаги ҳикматли сўзларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бинобарин, муаллифлар эътироф этганларидек, «Президентимиз асарларида бизлар тўплаган ҳикматли сўзлар уларнинг ҳаммаси эмас, денгиздан бир томчигина холос. Ҳали бу ҳақда неча-неча китоблар ёзилади, ҳикматларнинг янги-янги қирралари очилади, уларда ўқув, таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг илмий-услубий йўл-йўриқлари баён этилган китоблар дунёга келади. Буларнинг ҳаммаси олдимизда турган улкан режалардир». Шундай экан, Президентимиз Ислом Каримов асарларидаги ҳикматли сўзлар кичик мажмуаси кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлигини ҳисобга олсак, унинг 10.000 нусхада чоп этилиши ниҳоятда кам. Китобни каттароқ ҳажмда ва кўпминг нусхада қайта нашр қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар ва мактабларнинг ўқитувчилари ва талабалар, ота-оналар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, албатта.

Ҳалимбой БОБОЕВ,
ТДЮИ ректори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби.
Солижон ҲАСАНОВ,
ТДЮИ доценти, педагогика фанлари номзоди.

Солиқ — давлат таянчи

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Муқаддас ҳадисларда инсоф сари барака, деган ажойиб гап бор. Ҳақиқатан ҳам инсоф, диёнатини йўқотмаган одам ҳаётда бир умр барака топади. Бирини-икки, иккисини минг қилади. Аммо, амалдаги қонунларга зид равишда фаолият кўрсатиб, бойлик орттиришга ружу қўйганлар ҳам йўқ эмас. Ҳатто бундайлар даромадини яшириб, давлатга солиқ тўлашдан ҳам бўйин товлайдилар. Бу албатта уларнинг солиқ тизимининг моҳиятини ҳали ҳам тўла англаб етмаётганлигидан бошқа нарса эмас. Мухбиримиз Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Нуриддин ДАДАБОЕВ билан ҳам худди шу хусусда гурунглашди.

— Нуриддин ака, аввал ўзингиз раҳбарлик қилаётган туман Давлат солиқ инспекциясининг кенг қамровли фаолиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Солиқ-давлат таянчи. Уни амалга оширилиши учун ҳамма имкониятларни ишга солаяпмиз. Жумладан, туманимизда биргина шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 40 та корхона ва ташкилотларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказдик. Текшириш натижалари ҳамма жойларда ҳам ишлар рисоладагидек бормаётганлигини кўрсатди. Жумладан, текшириш олиб борилган 103 та корхонада қатор камчиликлар содир этилаётганлиги аниқланди. Буни қарангки, уларнинг айримлари ҳатто солиқдан ўз даромадларини яширишгача боришган экан. Натижада бюджетга қўшимча равишда 32397,7 минг сўм маблағ ҳисобланди. Ҳисоботларни бузиб кўрсатганларга 23981 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Хато ва камчиликларни содир этилишига йўл қўйган 73 нафар мансабдор шахсга нисбатан тафсилотнома тузилиб, тегишли қонунга мувофиқ улар 204200 сўм жаримага тортилдилар.

«Қорасув» пахта тозалаш заводида ўтказилган текшириш натижасида қўшилган қиймат солиғидан 30787 минг сўм қўшимча ҳисобланди. Ҳисоботни бузиб кўрсатганлиги учун 6352,9 минг сўм молиявий жарима ва 9019,5 минг сўм устама жарима ундирилди. Бундан ташқари фойдали солиққа тортишда 1271,5 минг сўм даромад камайтириб кўрсатилганлиги аниқланиб, амалдаги солиқ қонунчилигига асосан шу миқдорда жарима қўлланилди. Ишчи ва хизматчилар даромадидан ушлаб қолинган солиқ ўз вақтида бюджетга ўтказилмаганлиги учун 142,8 минг сўм устама жарима ҳисобланди. Бугунги кунда ушбу корхонадаги текшириш юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида суриштирув ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бюджет олдида солиқ ва тўловлар бўйича боқимандалиги мавжуд бўлган корхона ва ташкилотларнинг боқиманда миқдорини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ёпиш мақсадида 110 та корхонага талабнома тақдим этилди. Шундан муддати ўтган 8 та корхона бўйича 5985,4 минг сўмга хўжалик судига ҳужжатлар тақдим этилди. Жойларда ўтказилаётган текширишларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан ҳам ҳар хил қонунбузарликларни содир этилаётганлиги аниқланмоқда. Ана шундай хатога йўл қўйганлиги учун 110 нафар ҳуқуқбузардан 184 минг 400 сўм миқдорида жарима ундирилди. 13 нафар фуқарога нисбатан тўпланган ҳужжатлар эса қонуний чора кўриш учун туман судига тақдим этилди.

— Бугунги кунда бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан кескин амалий чоралар кўрилаётганига қарамай бу борадаги нуқсонлар барибир тугамаяпти.

— Бозор — юрт кўзгуси. У ҳаётимизнинг бугунги маромини ўзида тўлалигича ифода этиб туради. Бироқ, мана шундай муҳтабар жойларнинг ўзида турли истеъмолчилик ва қонунбузарликларга йўл қўйилаётганига нима дейсиз? Назоратчиларимиз «Тўйтепа» деҳқон бозорида назоратчи паттачилар томонидан патта тушумлари ва хизмат кўрсатишдан тушган пул маблағларини ўз вақтида кирим қилиниши, қолаверса, хазинага топширилишини ўрганиб чиқдилар. Текшириш натижасида бозор назоратчилари томонидан йиғилаётган пул маблағларининг тўғри кирим қилинмаётганлиги ҳолатлари аниқланди. Жумладан, паттачи Эргаш Норбоев томонидан 1050 сўм, Турсунбой Бозорбоев томонидан 14139 сўм патта тушумидан йиғилган пул маблағлари тўлиқ кирим қилинмаганлиги, яъни уларнинг ғазнасидан юқорида кўрсатилган миқдордаги пул маблағи ортиқчалиги аниқланди. Текшириш ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун туман судига тақдим этилди. Суд ҳукмига асосан уларга тегишли жазолар белгиланди. Қиссадан хисса шу: ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқади.

— Демак...

— Ҳали айтганимдек, Ҳар ким қилмишига яраша оладди. Нафси ҳакалак отганлар адашади. Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштириш юзасидан барча ишлар қилинмоқда. Қонунлар ишлаб турибди. Улар юзасидан биз катта тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Ҳамма гап солиқ тўловчиларнинг ўзларида, яъни уларнинг бу борадаги масъулиятни қандай тушунишларида қолган. Демак, уларнинг ўзларига инсоф берсин. Давлатимиз хазинаси бойиб боравер-син.

Суҳбатдош:
Хусанбой АВВАЛОВ.



Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги 82-автокорхона жамоаси кўп йиллардан буён маҳаллий аҳолига сидқидилдан транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда. Автокорхонанинг ишчан ҳайдовчилари ва таъмирловчилари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни пухта адо этиб, ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддалашмоқда. Бунга албатта уларнинг ўз ишларига астойдил кўнгил қўйганликлари, шарафли касбларини ҳамиша улуғлаб келаётганликлари туфайли эришиляпти.

СУРАТЛАРДА: *автокорхона раҳбари Эргаш Ҳайдаров жамоа ютуқлари бойиб бораётганидан доимо фахрланади; автожамланма бошлиғи Пўлатжон Умаров навбатчи механик Икром Гайдаров билан ҳайдовчи Мирқосимовга янги топшириқ бермоқда.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Хушхабарлар

НАРПАЙ ПИЛЛАЧИЛАРИ МАРРАДА

Нарпай тумани «кумуш тола» ижодкорлари бу йилги об-ҳаво мураккабликларига қарамай, 4500 қути ипак қуртини юксак агротехника қоидалари асосида парваришлаб давлатга пилла етказиб бериш бўйича шартнома режасини уддаладилар. Қабул пунктларига 185 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси топширилди.

Қўлга киритилган бу муваффақиятга «Ғалаба», «Нарпай», «Ўзбекистон», «Иттифоқ», Навоий номли, «Ҳақиқат» хўжаликлари, Бобур агрофирмаси пиллачилари муносиб улуш қўшдилар.

Туман «кумуш тола» ижодкорлари давлатга яна бир неча тонна ҳосил топширишни мўлжаллашган.

«ЕВРАЗИЯ» ГРАНТИ САМАРҚАНДДА

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи жойларда бошқарув идоралари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ахборот алмашув ва алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган лойиҳани амалга оширганлиги учун «Евразия» жамғармасининг грантига сазовор бўлди.

Яқинда «Евразия» жамғармасининг Вашингтондаги маҳкамаси муассислари кенгаши аъзолари ва ходимлари билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда фонд томонидан эълон қилинган танлов якунига кўра шундай қарорга келингани маълум қилинди.

Шундай қилиб, 17210 АҚШ доллари миқдоридаги грант вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор туманлар ҳокимликлари ўртасидаги локал компьютер тармоғи ҳамда электрон почта алоқаларини ўрнатишда фойдаланилади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ТУХМАТЧИ

Катта-кичиги бўлмас фитнанинг
Иғвогар тилидан дорга осилар.
Тухматчи панада фурсат кутади,
Қора юракларнинг бошини силар.

Иллат ахтаради босган изингдан,
Нигоҳлари илғар қора доғларни,
Ногаҳон тонажак берган тузингдан,
Тош отиб қийратар муру-зоғларни.

Отдан тушса ҳамки тушмас эгардан,
Бошингга ғам келса писиб қочади.
Йироқ юр бундайин манфур «дўстлар»дан
Пайт пойлаб илондай заҳрин сочади.

Учрашсанг қучоқлар ўпиб юзингдан,
Сохта таъзим ила кузатиб қолар.
Хато ахтаради ҳар бир сўзингдан
Ўзи ҳам хатолар ичра йўқолар.

Иззат ҲИКМАТОВ.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига

ШАРҚНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

Ўрта асрлар даврида Марказий Осиё-Мовароуннаҳрда фан ва маданият ривожланган уйғониш даврининг маркази бўлган. Ўша кезларда уйғониш даври илм-фанининг ривожланишига ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Журжоний, Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Марғилонoний, хадис илмининг зукколари Исмоил имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбандий сингари олимлар қаторида қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний ҳам ўзининг нуфузли ўрнига эга эди.

Аҳмад ал-Фарғоний тахминан 797 йилларда Фарғона вилоятининг Қува шаҳри яқинида Шахристонда оддий оилада дунёга келди. VII-VIII аср тарихчиларининг берган маълумотларига қараганда, Аҳмад ал-Фарғоний бошланғич илмини ўзининг туғилган қишлоғида, кейинроқ, Марғинонда, Ахсикентда олган. Алломанинг номи йигирма ёшидан бутун Шарқ оламига танилди. Аҳмад ал-Фарғоний ўрта аср Шарқ фалсафаси бўлган риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, илмий нужум каби фанларнинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Унинг истеъдодидан хабар топган халифа Хорун ар-Рашиднинг Шарқий ерлардаги, яъни, Фарғона водийсидаги нойиби, ўғли Абдуллоҳ уни Марвдаги олимлар даврасига таклиф этди. Кейинроқ Марвдаги бу олимлар ҳамжамияти халифа ал-Маъмун академияси номи билан машҳур бўлган. Халифа Хорун ар-Рашид 809 йили вафот этгач, тахт учун курашларда ғолиб чиққан Абдуллоҳ ал-Маъмун тахтга ўтирди. Ал-Маъмун (Абдуллоҳ) илм-фанга этиқод қўйган шахс бўлиб, у Хуросондан, Хоразмдан, Мовороунаҳрдан ёш истеъдодли олимларни Марвга тўплаб, уларга ижод қилишлари учун шарт-шароит яратиб берди. Аҳмад ал-Фарғоний ҳам нуфузли олим сифатда ал-Маъмун саройида хизмат қилди. Лекин ал-Маъмун кейинроқ Марв шаҳрини тарк этиб, пойтахтни 819 йили Боғдод шаҳрига кўчирди. Халифа ал-Маъмун бу ерда олимлар жамияти — машҳур Боғдод академиясини ташкил этди. Бу илм даргоҳини ўша даврда «Байт ул — Ҳикма» деб аташган.

«Байт ул — Ҳикма» олимлари ижтимоий ва аниқ фанларга, яъни, икки гуруҳга бўлиниб, улар Боғдодда ва Дамашқда ижод қилишиб, илмий изланишлар ва илмий кузатишлар олиб борганлар.

Аҳмад ал-Фарғоний Боғдод расадхонасида ишлаган кезлари илмий изланишлар олиб бориб, бир нечта илмий рисолалар ёзди. Жумладан, «Мадҳал — ал-Нужум» рисоласида у биринчилардан бўлиб, ернинг шар шаклида эканлигини исботлади.

Ерни илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан кузатишлар олиб бориб, ер доирасини ўлчаш ишларини охирига етказди. Шунингдек, ал-Фарғоний ой ва қуёшнинг тутилиш сабабларини аниқлади ва уни олдиндан билиш мумкинлигини исботлади.

Айрим маълумотларга қараганда машҳур сайёҳ Христофор Колумб дунё бўйлаб сайёҳатга чиққанида унинг қўлида Аҳмад ал-Фарғоний чизган ер юзи картаси бўлган деган қарашлар мавжуд. Яъни, у ўз саёҳати давомида бу картадан кенг фойдаланган.

Шарқнинг буюк олими, Ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний асарлари ўша ўрта аср уйғониш даврларидаёқ итальян, немис, француз, инглиз тилларига таржима қилиниб, Ғарбдаги кўплаб университетларда дарслик сифатида кенг ўқитилган.

Аҳмад ал-Фарғоний асарларининг қўлёзма нусхалари эса ҳозирги кунда Париж, Берлин, Лондон, Қоҳира, Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Суд тизимининг замонавий ҳуқуқий муҳитдаги ўрни қандай?

СУД ВА ҲАЁТ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

18. Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖКнинг 184-моддаси) иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган энг оғир жиноятлардан ҳисобланади ва бу ҳар бир киши томонидан қонун билан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича конституциявий бурчларни қасддан бажармаслиқда ифодаланади. Қайд этилган тоифадаги ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш давлат солиқ органлари ва шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) ўртасида вужудга келадиган солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

19. Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозицияси бланкет диспозиция бўлиб, «даромадлар», «фойда», «солиқ тўланадиган бошқа объектлар», «солиқлар», «йиғимлар», «божлар», «бошқа тўловлар» каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мурожаат қилиш лозим. Жумладан, Солиқ кодексининг 5, 6 ва 7-моддалари солиқ ва йиғимлар тушунчасини, 13, 14, 15-моддалари фойда тушунчасини ва ҳ. к. ёритиб беради. Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясига биноан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳаракатда ҳам ҳаракатсизликда ҳам ифода этилиши мумкин, аммо фақат қасддан содир этилади, шунинг учун ҳам тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг мақсадини ва ғараз ниятини аниқлашга мажбурдирлар. Хизмат вазифаларига совуқонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйишнинг ўзи Жиноят кодексининг 184-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади.

20. Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш бу фуқароларнинг ёки мансабдор шахсларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулларидир.

Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш — солиқ органларига тақдим этиладиган тегишли ҳисобот ҳужжатларидан уларни олганлик тўғрисида ҳақиқий маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузганликдир.

Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш солиқ органларига тақдим қилинадиган ҳисобот ҳужжатларига била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, балки уни пасайтириш ва камайтириш томонига маълумотлар киритишда ифодаланади.

21. Жиноят кодекси 184-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноят субъекти қонунга биноан фойда, даромад ва солиқ солинадиган бошқа объектлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва белгиланган суммани давлат фойдасига ўтказиш вазифаси зиммасига юклатилган шахслар бўлиши мумкин. Булар қаторига мулк формасидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш, ҳужжатлар тақдим қилиш зиммасига юклатилган (корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари ва ҳисобхонанинг мансабдор шахслари) мансабдор шахслари киради.

Қонунга биноан белгиланган ҳисобот формасида ҳужжатларни тақдим этишга ва солиқ тўлашга мажбур бўлган жисмоний (солиқ тўловчилар) шахслар ҳам, ушбу жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин, ўзларининг ҳаракатлари билан фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг камайтирилишига кўмаклашган бошқа шахслар ушбу жиноятнинг ижрочилари эмас, балки иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи) бўлиши мумкин.

22. Агар фойда ва даромад тўғрисида кўриниб турган ёлғон маълумотга эга бўлган белгиланган ҳисобот ҳужжатларини солиқ органига тақдим қилиш ёки кўп ёки жуда кўп миқдорда (битта, бир нечта ёки барча солиқлар бўйича) ҳақиқатан ҳам тўлаганлик ҳолати мавжуд бўлса, солиқ ва бошқа тўловларни кўп ёки жуда кўп миқдорда тўлашдан бўйин товлаш тугалланган жиноят ҳисобланади.

23. Судлар моддий зарарнинг миқдорини аниқлашда айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ тўланадиган объектнинг миқдоридан келиб чиқмасдан, балки унинг ушбу солиқ тўланадиган объектдан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан келиб чиқиб аниқлашга мажбурдирлар.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак.

24. Тергов органлари ва судлар тўланмаган солиқ, даромад ва солиқ тўланадиган бошқа объектларнинг миқдорини аниқлашда Солиқ кодексининг 6-боби (чегирмалар ва зарарлар) талабларини ҳисобга олишга мажбурдирлар, яъни бунга биноан фойдани (даромадни) аниқлашда, масалан, ходимларнинг иш ҳақи, асосий фондларни таъмирлаш, аренда тўлови бўйича ва бошқа харажатлар чегирилиб ташланади.

25. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш айбдор томонидан солиқ тўғрисидаги қонунларнинг белгиланган меъёрларини бажармаслигини тақозо этади. Шу сабабли ушбу тоифадаги ишлар бўйича айбланувчи тарақасида иштирок этишга жалб қилиш қарорларида, айблов хулосасида ва ҳукмда айбланувчи, судланувчи томонидан солиқ қонунларинг айнан қайси меъёрлари бузилганлиги кўрсатилиши кераклигига судларнинг эътибори қаратилсин.

26. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш учун жавобгарлик фақат тўғри қасд бўлганда, ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш тарзида оқибат юз бергандагина келиб чиқади.

Шахснинг эгаллаб турган лавозими туфайли унга юклатилган хизмат вазифаларидан келиб чиқадиган мансаб вазифалари мансабдорнинг ваколати ҳисобланади.

27. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳ. к. да ифодаланиши мумкин.

28. Мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг (ЖКнинг 206-моддаси) асосий кўринишлари деб, мансабдор шахс томонидан бошқа мансабдор шахснинг ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларни содир этилиши, мансабдор шахс томонидан қонунда ёки қонун ости ҳужжатида алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина у томонидан бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши, шахс томонидан коллегиал орган ваколатига кирувчи ҳаракатни якка тартибда содир этилиши, мансабдор шахс томонидан ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳақи бўлмаган ҳаракатларнинг содир этилиши ва бошқалар ҳисобланмоғи лозим.

29. Судлар, жазо тайинлашга индивидуал ёндошиш тамойилларига риоя қилган ҳолда товламачиларга, ўзганинг мулкини талон-тарож қилувчиларга, солиқ тўлашдан ашаддий бўйин товловчиларга, ўзларининг ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказган мансабдор шахсларга, жиноий гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан қаттиқ жазоларни таъминлашга мажбурдирлар. Шунинг билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги ишларни кўраётганда судлар моддий санкцияларни, шунингдек, мол-мулкни мусодара қилиш, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарақасидаги қўшимча жазоларни кенг қўллашлари керак. Давлатга ва фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ ундиришга эришилсин.

30. Ушбу тоифадаги ишларни кўраётганда судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг ёки бошқа қонунбузарликларнинг содир этилишига имкон берган барча сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ва уларга лозим даражада муносабат билдиришлари керак.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судларига, Қуролли кучлар ҳарбий судига жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин, уларни татбиқ этишда йўл қўйилган хатолар мунтазам таҳлил қилиб борилсин ва бартараф этилсин.

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси.
Айюбхон МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Олий судининг судяси, пленум котиби.

Юз ёш билан юзлашиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ёшга етганлар ҳам бор, етмаганлар ҳам.

Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида истиқомат қилувчи Абдуллахат Ҳожи Каттабобоев юз ёшга етди. Умр бўйи мироб бўлиб табаррук ёшга етган нуроний отахон ҳозирда кексалик гаштини суриб, ўз меҳнатларининг роҳатини кўрмоқда.

СУРАТДА: Пиру бадавлат отахон Абдуллахат Ҳожи Каттабобоев невара-эваралари билан бирга.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Башаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама

ҚОРОВУЛ ЎҒРИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Бу воқеа 1996 йилнинг 21 январида содир бўлди ва ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди. Ўғирликнинг тафсилотларини ўргангани етиб келган тезкор гуруҳ ишни усталик билан қилинганига асло шубҳа қилмади. Демак, ҳамма нарсага олдиндан астойдил тайёргарлик кўрилган. Жиноятни содир этганлар ҳам шу атрофда. Эҳтимол уларнинг орасида омборида ўғирлик содир бўлган корхона — «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг ишчилари ҳам бордир. Тезкор суриштиришлар ва воқеанинг чуқур таҳлил этилиб ўрганилиши оқибатида тахминлар тўғри чиқди. Марғилондаги «Ипакчи» ҳиссадорлик жамияти 7-омборхонасидан жуда пухталик билан ўғирланган 170 минг сўмлик молнинг кушандалари шу жамоанинг ўзида ишлайдиган тўрт нафар қоровул ва чилангар бўлиб чиқди.

Нафс дегани ўлсин: одамни ҳар балога гирифтор қилади. Шу жиноий гуруҳ ҳам нафс йўлида тубанликка гирифтор бўлди. Ўзи асли вазифаси жамоа мулкини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб сақлашга қаратилган бўлишига қарамай, улар вазифаларини суиистеъмол қилиб талончилик қилдилар. Ўз бурчларини унутишди. Яъни, тузини еб тузлуғига тупиришди.

Воқеа асли шундай бўлган эди. Ўша куни «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг ўқчи-қоровуллари Ҳошим Мамасиддиқов, Икром Имомов, Баҳодир Қандиев, Жўра Бобораҳматов ва шу корхонанинг пардозлаш фабрикаси чилангари Раҳматилла Қурбонов жамоа мулкини талон-торж қилишга тил бириктириб, «иш»га киришдилар.

Айнан шу пайтда 7-омборхонага ўрнатилган махсус сигналнинг ишламаётганлиги уларга қўл келди. Шу постда қоровулчиликда турган Икром Имомов вазиятдан фойдаланиб, ўзининг разил ниятини амалга оширишга киришди. Омборхона деразасидаги ойналарнинг бирини чиқариб, ичкарига кириб олди. У ердан олдиндан кўзланган буюмни, ҳар бир донаси 1 сўму 70 тийинлик 100 мингта тўқув дастгоҳларида ишлатиладиган галевани олиб Хошим Мамасиддиқовга узатди. Сўнг улар Баҳодир Қандиев ва Жўра Раҳматов билан биргаликда ўғирланган молларни қопга жойлаб, кўздан пана жойга қоронғу тушгунича яшириб қўйишди. Кечки пайт 19.30 да яширилган қоп ҳиссадорлик жамиятининг деворидан улоқтирилиб, чилангар Раҳматилла Қурбоновга узатилди. Иш гўёки уларнинг наздида хамирдан қил суғургандек енгил кўчди.

Аммо қилни қирқ ёрадиган тезкор гуруҳ аъзолари жиноий гуруҳнинг кирдикорларини фош этиб, ўғирланган молларни ҳиссадорлик жамиятига қайтаришга муваффақ бўлдилар. Ҳақ иш жойида қарор топди. Одил суд ҳукми билан давлат мулкини ўмарган талончилар ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум этилдилар. Шундай: меҳнатсиз келган бойлик ҳеч қачон инсон умрини безамайди. Балки уни балою қазоларга гирифтор этади.

Ҳабибулло МИРЗАРАҲИМОВ,
Марғилон шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи.

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Олам нурга тўлаверсин!».
11.30 «Жаҳон спорти».
11.40 «Жараён».
12.05 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.10—14.40 «Омад юлдузи». Телеўйин.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болалар — гуллолалар».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қўшиқла, ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 П. Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм.
23.00 Теннис. Челленджер турнири.
23.15 «Вазият».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 «Кўҳна замин тароналари». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ипак толадан оптик толагача». Премьера.
22.25 Теннис. Челленжер турнири.
22.40 М. Бобоев. «Қўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
23.20 «Одамлар орасида».
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Химоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.50 «Фурч ва масъулият».
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.20 «Юрган дарё».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия давлат телевидениеси 17.20—20.40
*
20.40 «Сиз уларни танийсиз». Публицистик кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Евузлик исканжасида». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид». «Айчурек».
20.55 Бож хирож.
21.10 Мусиқий танаффус.
21.15 «Ҳамкорлик».
21.35 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Юлдузча».
22.15 Кинематограф «Омад ҳамиша келавермайди».
23.25 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.45 «Спорт-тайм».
00.15—00.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ассалому аллайкум, азизларим!».
8.55 «Биржа ва банк хабарлари».
9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Ранглар жилоси».
12.40 Кундузги сеанс. «Қайнона». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Бола дунёни тебратар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 «Биламиз-у, аммо...»
18.50 «Қалдирғочлар учиб келади». М. Абдуллажонова.
19.10 «Ислоҳот одимлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Миср мўъжизалари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қўшиқла, ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 П. Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм.
23.00 Теннис. Челленджер турнири.
23.15 «Вазият».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультўплам.
18.35 Еввойи ҳайвонот олами.
19.10 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Қолливудга нигох».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт китъаси.
22.30 Қундалик.
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигох.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Абадият тимсоли». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Таваллуд».
21.50 Лайза Минелли «Кабарэ» фильмида. 1-серия.
22.50—23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Минг бир маслаҳат.
19.35 Мусиқий лавҳа.
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 21.55 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Мусиқий лавҳа».
20.50 «Очиқ дарс».
21.10 Уйингох.
21.25 Телефакт.
21.35 Хит-коллекция.
22.00 «Кувнок кино».
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Маърифат маскани».
*
11.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
12.20 «Эл саломатлиги йўлида».
12.45 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-кисм.
13.30 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
13.40 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
14.10—14.30 «Маслак ва мақсад».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Нуқтаи назар».
18.45 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг концерти.
19.05 «Ўзбекистон ва жаҳон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ёшлар» телеканали
1. Мулоҳаза, мунозара, муносабат.
2. «Нима учун?»
3. «Кулги-терапия».
22.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
22.45 «Қонун ва биз».
23.20 Теннис. Челленжер турнири.
23.35 «Ахборот».
24.00 М. Бобоев. «Қўнгил кўчалари». Видеофильм. 8-кўй.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультўплам.
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Бўстонлиқ тумани.
21.30 «Келин-куёв». Телешоу.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Экранда — детектив.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.40 Янгиликлар.
16.45 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00
* * *
17.25—20.40
*
20.40 «Бахтли болалик». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабарэ». Бадиий фильм. 2-серия.
22.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.25 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Шифокор қабулида».
20.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Мезон».
21.25 «Нафосат гулшани».
21.55 «Дурдаршан».
22.30 Кинематограф «Қойилмаком киноят».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янгра, дутор, танбур». Мусиқий дастур.
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.
12.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.25 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
13.40—14.00 «Дунё адабиёти». Г. Лорка.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.25 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон бастакорлари». К. Комилов.
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». Қизилқумнинг олтин тонги.
22.00 «Оила — маънавият бешиги».
22.30 Теннис. Челленджер турнири.
22.45 «Мулк ва муносабат».
23.00 «Ахборот».
23.25 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қушик».
20.05 «Тафаккур оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Мумтоз наволар».
21.45 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.50 «Даракчи» (рус тилида).
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Оилавий экран.
00.30—00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Гўзал пари». Дам олиш дастури.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ихтиро-98».
21.50 «Мутаҳассис». Бадиий фильм. Бош ролда — Сильвестр Сталлонэ.
23.50 «Теннис-клуб».
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Сухбатдош».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.45 «Ҳ» тўдкинида.
22.05 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ҳамшаҳардар».
21.05 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Каталог».
21.45 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.10 «Киносалон».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ёш хонандалар концерти.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кишлоқ ҳаёти».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
11.30 «Камолот».
11.50 «Қора қуён». Мультфильм.
12.05 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
12.20 «Жаҳон театри».
12.35 Кундузги сеанс. «Ҳаворанг атиргул». Бадиий фильм.
13.40 «Оламни асранг».
14.10—14.40 «Созга солдим Алпомишни...»
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳикматнома».
18.25 «Фермер». Телетанлов.
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». «Тупроғинг бебаҳо Ватан».
22.00 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
22.25 М. Бобоев. «Қўнгил кўчалари». Видеофильм. 9-кўй.
23.05 Теннис. Челленджер турнири.
23.20 «Туркий қавмлар».
23.35 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
24.00 «Азиз сиймолар».
00.20 Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 Доира зарби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хуш келибсиз!».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ». Қўшиқ ҳусусида.
21.25 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Саргузашт фильмлар экрани.
23.20 Бокс. Бокс. Бокс.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Телешифокор».
21.50 Оскар совриндорлари: «Бенгал суворийлари» (1937 й.). Бадиий фильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Таъзим».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Бегойим».
20.55 «Дурдаршан».
21.25 «Бу бўстон аро».
21.50 Араб эстрадаси.
22.25 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 Болалар учун. «Яшил чирок». Телемусобақа.
9.50 «Шоҳрўҳ» клуби.
10.10 «Ёшлар» телеканали
1. «Сиз ва биз».
2. «Йигит омон бўлса».
3. «Мен билган, билмаган дунё».
4. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
5. «Очиқ дарс».
12.10 «Умр мазмуни».
12.30 «Ватан, мадҳингни қуйлайман». Мусиқий дастур.
12.50 «Оила ва жамият».
13.15 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
13.55 «Телевидение ва томошабин».
14.25—14.55 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Оқшом эртаклари».
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
21.55 Спорт дастури
1. Теннис. Челленжер турнири.
2. Футбол тарихи.
*
22.30 «Келин-куёв». Телешоу.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
23.45 «Куй ва т

● *Самарқанд янгиликлари*

УНИВЕРСИАДА ҒОЛИБЛАРНИ ОЛҚИШЛАДИ

Самарқандда 4 кун давом этган республика Олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада—98» мусобақалари ниҳоясига етди.

Унда 14 та вилоятдан ташриф буюрган ёшлар спортнинг енгил атлетика ва мини-футбол турлари бўйича ўзаро куч синаштдилар.

Мустақил юрт фарзандларини жисмонан баркамол қилиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган универсиада тобора анъанавий тус олаётгани қувончлидир. Бу гал ҳам бу бир неча юзлаб спорт ишқибозларини ўзига жалб эта олди.

Самарқанддаги «Локомотив» ўйингоҳи, халқаро теннис корти, Самарқанд Давлат Университетининг спорт залида бўлиб ўтган ҳар бир беллашув ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Теннисчилар бахсида Николай Шахидзе (СамДУ) ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Мини-футбол бўйича Наманган вилояти вакиллари, енгил атлетика соҳасида Андижон Давлат Университети талабалари бош совринни қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида эса самарқандлик спортчилар биринчи, Наманган вакиллари иккинчи ва Фарғона вилояти ёшлари учинчи ўринни эгалладилар.

Универсиада иштирокчилари ва ҳакамлари мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлардан ва умуман, Самарқанд нуфузли спорт беллашувлари шаҳрига айланиб бораётганлигидан чуқур мамнуният изҳор этдилар.

ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Жаҳон меъморчилигининг ноёб дурдоналарини ўзида мужассам этган Самарқандни халқаро туризм марказига айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Хусусан, бу ердаги тайёрагоҳ Япония, Туркия, Германия сингари мамлакатларнинг етакчи фирмалари томонидан қайта таъмирланиб, халқаро андозаларга мос ҳолда жиҳозлантирилмоқда.

Яқинда тайёрагоҳда таъмирлаш ишларининг илк босқичи якунланиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Биринчи навбатда учиш-қўниш йўлаклари, майдончалари кенгайтирилиб, «Боинг» типидаги йирик самолётларгача қабул қилишга мослаштирилганлиги, шунингдек замонавий навигация маркази, йўловчиларга хизмат кўрсатадиган янги бино қисқа вақтда қуриб битказилгани мамнуният билан таъкидланди.

Самарқанд тайёрагоҳи халқаро тайёрагоҳ мақомини олиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанада вилоят ҳокими А. Мардиев ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори А. Рўзметов сўзга чиқдилар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.



Тоғ бургути ошён тутган бу қоя,
Булутларга... ва қуёшга ҳамсоя!
Чўққиларни қучмоқ бўлар қанотлар —
Еру кўкка... шиддати — пиллапоя!
Боқкил, бургут юксакликка қўйиб бош,
Шиддатларга чорлаяпти, замондош!!

Абдулла ТУРДИЕВ.

Лақма

ЧАПАК ЧАЛИБ ҚОЛАР БЎЛДИК

Қўқон пойафзал фабрикаси маъмурияти диққатига!

Дўкондорнинг мақтовидан ўлар бўлдик, ўлар бўлдик,
Қўқонжоннинг туфлисидан олар бўлдик, олар бўлдик.
Ялтироғни кийиб олсак, роса пўрим бўлар дедик,
Қўқонжоннинг туфлисидан кияр бўлдик, кияр бўлдик.
Бир кун ўтмай, оғзи бурни ланг очилиб қолди, кўрдик.
Зўрға топган пулимизга куяр бўлдик, куяр бўлдик,
Фақат чапак биздан экан, чапак чалиб қолар бўлдик.

Ислом АХАТ.

Жиноят ва жазо

ЛАҚМА ДЎКОНЧИНИ ЛАҚИЛЛАТГАН «СОЛИҚЧИ»

Республикамиз мустақилликка эришгач мамлакатимиз равнақи, халқимиз турмуш-фаровонлигини юксалтириш йўлидаги биринчи навбатда амалга ошириладиган ишлар қаторидан ҳуқуқий демократик жамият қуриш, қонун устиворлигини таъминлаш ва энг асосийси, халқимизнинг ҳуқуқий онгини оширишдек улуғвор вазифалар ҳам ўрин олди.

Дарҳақиқат, қонун устивор бўлган жойда адолат юзага чиқади, ҳуқуқини билган инсонлар орасида таъмагирлик, порахўрлик, суистеъмолчиликларга барҳам берилади. Худди шу ўринда қонунбузарликлар, жиноятлар ҳам чекиниши табиий албатта.

Афсуски, халқимиз орасида ҳуқуқий онгни ошириш борасида қанчадан қанча саъй-ҳаракатлар қилинаётганига қарамай айнан шу масалада айрим кўнгилсизликларга ҳам дуч келинмоқда. Бу албатта лоқайдлик натижасидир.

Қуйида мисол келтираётган воқеага ҳам ҳуқуқий онгнинг етишмаслиги натижаси ёки лоқайдликнинг аччиқ «меваси» деб баҳо беришимиз мумкин.

«Қаҳрамонимиз» Дилшод Умрзоқович Тошматов 1976 йилда Қибрай туманида туғилган, уйланмаган. 8 синф маълумотига эга. Муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди. Бўстонлиқ тумани, Искандар қишлоғидаги Навоий кўчаси, 5-уйда яшаган. Дилшод 8-синфни чала-чулпа қилиб битирди-ю, «яна уч йил бошни қотириб ўқиб юраманми» деди-да мактабдан-энг асосийси ўқитувчиларнинг «тергаши»дан қутилиб ўзини енгил-елпи ҳаёт уммонига урди. Ота-онасининг, маҳалладагиларнинг-ку у билан иши йўқ. Мактабидагилардан бўлса мана қутилиб олди. Энди ўзига хонқўланкаси майдон. Хоҳлаган жойига боради, хоҳлаган вақтида келади. Кўнгли нимани тусаса...

Хаш-паш дегунча такасалтанглик билан 20 ёшни ҳам «уриб» қўйди. Ёшга яраша гавда ҳам бор. Билмаган, танимаган одамларга «фалон жойда ишлайман» деса ишонтирадиган кўринишда. Худди шундан фойдаланишга киришди. Дастлабки «ов»ни четроқ жойдан бирорта инсон уни танимайдиган ҳудуддан бошламоқчи бўлди ва узоқ вақт кўришмаган, Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғида яшовчи дўсти Алимардон эсига тушиб қолди. Уни кўргани бориш мақсадида 1997 йилнинг 7 август куни эрта туриб Сўқоққа йўл олди. У ёққа боришидан асосий мақсади дўсти Алимардонни соғиниб, инсонийлик қилиб бир йўқлаб келиш эмас, балки ўша томонларда шароит туғилиб, мўлжалланганидек бирорта «лақма» учраб қолса ўзи ўйлаб қўйган «операция»ни амалга ошириб келиш эди.

Дилшод Паркент шаҳрига келиб, у ердан Сўқоқ қишлоғи томон кетаётган йўловчи машинага чиққанда машинада ҳайдовчи билан Рустам исмли йигит ўтирар эди. Йўл-йўлакай улар билан таниша бошлади. Биринчи муваффақиятни қарангки, Дилшод ўзини йўлдошларига «Мен вилоят солиқ инспекциясиданман» деб таништирган эди, чиппа-чин ишонишди. Солиқ соҳасида кўп фикрларини билдиришиб, ҳатто, «сиз билан танишганимиздан хурсандмиз, бошқа бир келсангиз, Сўқоқни сўлим жойларида меҳмон қиламиз» деб таклиф ҳам қилишди. Ҳатто Дилшод Сўқоқни кираверишида машинани тўхтатиб, чўнтак кавлаганида машина эгаси «Э-э уят бўлади, кимсан вилоят солиқ инспекциясидан таниш орттирганимни ўзи катта пул» деб унинг қўлини қайтарди.

Ана шу гаплар ҳам навбатдаги режадаги иш учун Дилшодга қанот бағишлади. Уни еттинчи осмонга элтиб қўйди. «Вилоят солиқ инспекцияси ходими» Сўқоқ қишлоғининг Сўқоқ шох кўчасидаги 7-уйнинг рўпарасига етганда у ердаги хусусий дўконни кўриб ўз «фаолияти»ни бошлашга киришди.

— Бу дўкон кимга қарашли? — текширувчиларга хос оҳангда сўради дўкон ичидаги аёлдан.

— Вой, келинг ука, бизга қарашли? — иккиланиб деди аёл рўпарасидаги нотаниш пўрим йигитни кўриб. — Нима оласиз, укажон?

— Ҳеч нарса олмайман, мен вилоят солиқ инспекциясиданман. Дўконингизни бир текшириб кўяй. Исми фамилиянгиз?

— Муҳаббат... Жўраева. Бизни, нимани ҳам текширасиз? Кундалик еди-ичдимизга чиқиб турар деб шу дўкончани очувдик...

— Нима бўлсаям, қани қанақа ҳужжатлар бўлса бу ёққа олинг-чи?

— Мана, — аёл «дўконча»га алоқадор қанақанги ҳужжат бўлса «солиқчи»нинг олдига қўйди.

Ўз ўрнида «солиқчи» ҳам тушунса тушунмаса-да бир бошдан барча ҳужжатларни текширган бўлди. 20-25 дақиқали «текширишдан» сўнг Дилшод дўкон эгасига деди:

— Опа ишлар ҳар ҳолда дуруст. Лекин мен хоҳласам барибир камчилик топаман. Сиздан катта дўкончиларни ҳам вилоят бўйича текширавериб «опит» ошиб кетган. Яхшиси сизни у ёқ-бу ёққа чиқимдор қилиб овора қилиб юрмайинда, келинг, яхшиси мен рўйхатини тузиб берадиган нарсаларни тезда битта пакетга солинг. Ўзингизга яхши бўлади.

— Вой қайрият-э, укажон! Омон бўлинг ишқилиб, — деди-ю Дилшод рўйхат қилиб берган икки қути «Пал Малл» сигаретаси, 1 дона атир совун, 2 дона тиш ювиш пастаси, 2 дона тиш ювиш чўткаси, 4 дона шоколад, 2 қути печенье, 2 дона эркаклар дастрўмолини битта халтага солиб берди.

Дилшод «совғани», аниқроғи порани олди-ю, дўкондан чиқиб кетди. Мазкур «операция»нинг муваффақиятли чиқанидан ва энг асосийси лақма дўкончини Дилшоддан ҳеч нарсани суриштирмай, уни кўрса қалтираб айтганини қилганидан, ҳатто охирида яхши мулозамат билан кузатиб қўйганидан ўзининг ишига қойил қолди.

Беш кун ўтгач, яъни 12 август куни Муҳаббат Жўраеванинг хусусий дўконини яна «солиқчи» босди. Лақмаликни қарангки, икки кун олдин текшириб кетган «солиқчи»ни яна олдингидек кутиб олиб, ўшандай ҳеч нарса демасдан, шахсини суриштирмасдан яхши мулозамат, бир халта совға-салом билан кузатиб қўйди.

Орадан икки кун ўтказиб вилоятдан ташриф буюрган «солиқчи» Муҳаббат Жўраевага қарашли дўконни яна текширишга келганини айтиб эшикдан кириб келди. Афсуски, бу сафар дўкончининг кеч бўлса-да кўзи очилган экан. У турмуш ўртоғи билан бирга Дилшоднинг талаб қилган совға-саломи солинган халтани қўлига ушлатиб туман солиқ инспекциясига етаклаб борди... Туман солиқ инспекциясидагилар ўзларининг юқори ташкилотидан текширишга келган «солиқчи ҳамкасблари»ни танишмади...

Табиийки, шу билан Дилшоднинг «фаолияти»га нуқта қўйилди. Биз эса мақоламизга нуқта қўйишдан олдин ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган, рўпарасидан чиққан инсонни кийимига, кўринишига қараб баҳо бериб, шахсини суриштирмай оғзидаги лукмани олдириб қўйишгача борадиган М. Жўраева каби лақмаларни огоҳлантирмоқчимиз: Сиз ҳам ўша «текширгани келдим» деган инсонлар ҳам битта жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси-ку! Шундай экан, у сиздан нимани суриштирса индамай қўлига тутқазишдан олдин шахсини, тегишли ҳужжатини суриштиринг, жуда бўлмаса тегишли идораларга маслаҳат солинг. Ана ўшанда ҳозиргидек воқеанинг олдини олган бўласиз ва «Дилшоднинг иши» устидан ҳукм чиққунгача бўлганидек сиз ҳам ишдан, тирикчиликдан қолиб ҳуқуқий идораларнинг эшигига овора бўлиб келиб юрмайсиз.

«Ишбилармон солиқчи» Дилшод Тошматов ЎзР ЖК-нинг 168-моддаси, 3-қисмининг «А» банди билан айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳа, кўза кунда эмас, кунида синиши аниқ.

Эшпўлат БЕГМАТОВ,
Тошкент вилояти прокурори катта ёрдамчиси.

Дил изҳори

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

Ҳурматли «Адолат» газетаси таҳририяти!

Мен ушбу мактубни ғўзал Фарғона шаҳридан сизларга йўлламоқдаман. Мен «Адолат» газетасининг мунтазам ўқувчисиман ва ҳар сонининг чиқишини сабрсизлик билан кутаман. Газета энг долзарб, дадил мақолалари, чиқишлари билан бошқа газеталардан очиғини айтсам анча юқорига кўтарилди. Буни ўқиб борган ҳар бир газетхон яхши билади. Ишонаманки, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Энди мақсадга ўтсам: 1998 йил 31 март куни бошимизга оғир ташвиш тушди, она меҳрига тўймай улгаяётган жияним Нафиса Жалолованинг онаси 3 ёшлигида вафот этди. Нафиса руҳан эзилибми ёки яратганнинг иродасими, оғир бетоб бўлиб, хушсиз аҳволда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли тиббий санитария қисмининг реанимация бўлимига ётқизилди. Боланинг аҳволи жуда-жуда оғир бўлиб, барча чоралар кўрилишига қарамай ҳушига келмас эди. Мен тезлик билан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси болалар шифохонаси врачи Шаҳобиддин Қўчқоровни воқеадан огоҳ этиб ёрдам сўрадим. Ш. Қўчқоров кечаси билан врачларни юбориб боланинг ҳаётини сақлаб қолиш учун чоралар кўрди. Лекин шунга қарамай қизчанинг аҳволи янада оғирлашганидан сўнг мен Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги навбатчисига телефон қилиб, Тошкентдан малакали врачларни юборишларини илтимос қилдим.

Тезлик билан кўрилган чоралар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорати билан эртасига Тошкентдан врачлар етиб келди. Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Х. Х. Ҳожиахматованинг шахсан назорати остида боланинг соғлиғини сақлаб қолиш учун барча зарур бўлган дори-дармонлар етказиб берилди. 10 кун давомида ҳаёт билан олишув давом этди.

Шаҳобиддин Қўчқоров ва бош ҳаким Шавкат Юлдашев каби қасамига содиқ врачларнинг кечани-кеча демай қилган ҳаракатлари натижаси ижобий бўлди ва 10 кундан сўнг Нафиса ўзига келди.

Ҳозирги кунда Нафисахонни аҳволи анча яхши. Ўзига келгандан сўнг шаҳар болалар шифохонасига ўтказилди. Врачлар ҳамда ҳамширалар назоратида оёққа турди ва бемалол ўзи юрмоқда.

Мен сизлардан илтимос қиламан, жигарбандимдан ёдгорлик бўлган жияним Нафисахоннинг ҳаётини сақлаб қолган барча-барча врачларга, республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига менинг чуқур миннатдорчилигимни севимли газетамиз «Адолат» орқали етказиб қўйсангиз.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан:
Анваржон ТОШХЎЖАЕВ,
Фарғона шаҳар махсус мосламали автокорхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси,
«Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси».

Оймисан, эй паризод,
Кунмисан, эй паризод,
Юрагимга экилган
Гулмисан, эй паризод.
Жоним сенга садқадир
Қулинг бўлай умрбод!

ПЕЛЕ ҲАҚИДА ЯНГИ ФИЛЬМ

Бразилиялик режиссёр Паулу Машлини футбол қироли Пеле ҳақида янги фильмни суратга олди. Унинг илгари ишланган «Бу Пеле» ва «Қирол Пеле» сингари фильмлардан фарқи шундаки, янги асарда Эдсон Арантис ду Насиментунинг болалиги, энг оммабоп спорт соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳам ўз ифодасини топган.

Асар сценарийси Пеленинг командадоши бўлган Азиз Адид Навфал хотиралари асосида ёзилган.

Янги фильмнинг тақдимот маросими келаси ойда Францияда бошланадиган жаҳон чемпионати кунларида бўлиб ўтади.

МУҲАББАТ ТАҚВИМИ

(1—7 июнь)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)
Ушбу ҳафтанинг биринчи ярмида қувончли воқеалар рўй беради. Сешанба куни хушхабар эшитасиз, чоршанба куни эса молиявий ютуққа эришасиз. Шундан сўнг саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Дам олиш кунлари ишларингиз юришиб кетади.

СИГИР (21 апрель — 21 май)
Кайфиятингиз тушиб кетиши иш қобилиятингизга таъсир кўрсата олмайди ва аввалги ҳафтада бошлаган ишингизни ниҳоясига етказасиз. Дам олиш кунлари эски қадрдонларингиз сизни мамнун этади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)
Душанба ва якшанба кунлари анча асабийлашишингизга тўғри келади. Пайшанба ва жума кунлари ишингиз юришмайди. Ҳафта давомида фақат чоршанба кунигина молиявий ютуққа эришишингиз кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)
Ажойиб саргузаштларни бошингиздан кечирасиз. Муҳим ишларни бажариш учун чоршанба энг қулай кундир. Пайшанба куни бухгалтерияга кириб ўтишни маслаҳат берамиз, хурсанд бўласиз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)
Ҳафта мобайнида қувончли хабарлар эшитасиз. Сешанба куни учрашув бўлиши, чоршанба куни эса меҳнат ютуғига эришишингиз кутилмоқда. Чоршанба куни оилангизда келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь)
Душанба кунги аъло кайфиятингиз ишингизга ижобий таъсир кўрсатади. Жума ва шанба кунлари ижод қилмаганингиз маъқул. Якшанба куни кутилмаган янгиликдан мамнун бўлиб, қалбингизда ажиб туйғуларни ҳис этасиз.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)
Сешанба куни янги танишингиз билан учрашув кутилмоқда. Жума куни ишингизда омад кулиб боқади. Дам олиш кунлари ижодий баркамолликка эришасиз. Якшанба харид учун қулай кундир.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)
Душанба ва сешанба кунлари омад кулиб боқади. Шу кунлар энг қийин ишларни ҳам бемалол уддалайсиз. Шанба куни ажойиб саргузашт кутилмоқда. Якшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)
Душанба ва сешанба кунлари барча кўзлаган режаларингиз амалга ошади. Шундан сўнг бироз ғамгин бўлиб юрасиз. Аммо шуни унутмангки, ишда омад кулиб боқмаса муҳаббат бобида юришади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)
Душанба куни моддий рағбатланасиз. Сўнгра ҳаётингиз осуда, бир маромда ўтади. Ижодий ҳамда касбингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун жума ва шанба кунлар қулайдир.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)
Ушбу ҳафта фойдали мулоқотлар билан кўнгилли ўтади ва узоқ вақт ёдингизда қолади. Сешанба, жума ва шанба кунлари сизга омад кулиб боқади. Дарвоқе, бошқа кунлар ҳам мазмун жиҳатидан қолишмайди.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)
Ушбу ҳафтада кайфиятингиз вақти-вақти билан тушиб туради. Чоршанба, жума ва якшанба кунлари беқиёс даражада фаоллик кўрсатасиз. Ижодда ҳам ютуқлар кутилмоқда. Тижоратда эса омад кулиб боқиши гумон.

СПОРТ

БРАЗИЛИЯ

Терма жамоа ўтган ҳафта Францияга ташриф буюрди. Бу ерда бир неча ўртоқлик учрашуви ўтказишни режалаштиришган. Дарвоқе, бош мураббий **Марио Загало** ЖЧда иштирок этувчи 22 нафар футболчи номини эълон қилди: **Таффарел, Карлос Жермано, Диди, Кафу, Алдаир, Гонсалес, Жуниор Байано, Зе Роберто, Роберто Карлос, Марсио Сантос, Дунга, Дорива, Ривалдо, Жованни, Леонардо, Денилсон, Консенсайо, Сезар Сампайо, Ромарио, Эдмундо, Бебето, Роналдо.**

АНГЛИЯ

Буюк Британиядаги бизнесменлар қироли машҳур **Ричард Брэнсон** ЖЧ-98 ўйинларини башорат қила туриб, «финалда биз Германия термасига қарши майдонга тушамиз ва албатта ғалаба қилишимиз аниқ», деди. Шунингдек Брэнсон, агар Британия қироллигидаги бирорта давлат чемпионликни қўлга киритса ушбу терма жамоа аъзолари Кариб денгизидаги сўлим ороллар бирининг ўртасидаги ҳашаматли ва ҳаёт учун ҳеч нарсадан кам бўлмаган ўйинларини ўз зиммасига олган. Бу курортларнинг нархига эса унча-мунча миллионерлар ҳам чидай олишмайди. Бир кеча-кундуз дам олишнинг ўзи 13 минг фунт-стерлинг турадиган оромгоҳларда чемпионлик гаштини суриш инглизларга насиб қилармикин?

МЕКСИКА

Ўқув-машғулотларини Италияда ўтказаётган терма жамоа ўтган ҳафта Руминия чемпиони **«Стяуа»** клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Унда дарвозаларга тўп киритиш ҳеч кимга насиб қилмади. Мамлакат журналистлари эса терма жамоаларининг ЖЧ-98 олдида бундай ўйин кўрсатишидан ранжиб, термага қаттиқ танқидий муносабатда бўлдилар. Улар шу пайтгача Мексика футболи юлдузларини **«Триколор»** дея номлашарди. Ўтган ҳафтадан бошлаб эса терма жамоани машҳур фильмга менгзаб **«Тританик»** дея атай бошлашди. Гўёки Мексика бу йил чемпион бўлиб, ушбу фильмдек кўкка юксалар эмиш.

НИГЕРИЯ

«Яшил бургутлар» Цюрихдаги маҳаллий **«Грассхоппер»** клуби билан ўтказган ўртоқлик учрашувида 0:4 ҳисобида мағлубиятга учради. Терма жамоа бош мураббийи **Бора Милутинович** Англия иккинчи дивизионидаги **«Крю»** жамоаси дарвозабони **Адемалу Банколени** машғулотларга таклиф этди. Асосий дарвозабон **Ике Шорунму** эса оғир жароҳат олган. **Банколе** АҚШ-94 га Нигерия термаси билан ташриф буюрган ва негадир ўшандан буён **«Бургут»**лар сафида майдонга тушмаётганди.

FRANCE 98

ГЕРМАНИЯ

Машҳур **Франц Беккенбауэр** терма жамоанинг бироз қари (ўртача 30 ёш) таркибидан кўнгли тўқ эканини баён қилди. Ҳақиқатан ҳам Германиянинг барча аъзолари ҳисобида халқаро ўйинлар 50 тадан кам эмас. Ниҳоятда тажрибали ўйинчилар орасида **Маттиас Заммернинг** йўқлиги афсонавий **Беккенбауэрни** бироз ранжитмоқда.

РУМИНИЯ

Ясса шаҳридаги Ортодексал черковида терма жамоанинг дастлабки ғалабасида ёқиш учун ўн мингта шам тайёрлаб қўйилди. Демак мамлакатдаги дин пешволарининг ҳам футболга ишқибозлиги чакки эмас. Терма жамоа аъзолари эса бунга жавобан албатта яхши ўйин кўрсатишга ваъда беришган.

ЭРОН

Терма жамоа Италиядаги ўқув-машғулот йиғинида **«Рома»** клуби ўринбосарлари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 1:7 ҳисобида мағлубиятга учради. Ушбу хабар **Техронга** етиб борган заҳоти ҳукумат бош мураббий **Томислав Ивични** вазифасидан озод қилди. Ўрнига эса жамоада маслаҳатчилик қилаётган **Жалол Толибий** тайинланди. Ушбу мутахассис бир неча йиллар терма жамоа шарафини ҳимоя қилган, айни пайтда эса Индонезия Олимпия термасида мураббий эди.

ФРАНЦИЯ

ЖЧ-98 мезбонлари узоқ давом этган машғулотлардан сўнг тоғ ҳавосидан нафас олиш учун сўлим ғўшаларга йўл олишди. Табиат бағрида дам олишнинг ҳам албатта ўзгача гашти бор. **«Аср чемпионатида мухлисларимиз кўнглини кўтариш учун йигитларимиз ҳамма нарсага тайёр»**, дейди бош мураббий **Эми Жаке**.

Бу юртдаги футбол ишқибозлари-ю турли ташкилот ва бирлашмалар ҳам ЖЧ-98 ни чиройли ўтиши учун қўлларидан келган барча ҳунарларини ишга солишмоқда. Кўчаларда кўнгил очар томошалар-у, халқ сайиллари аллақачон бошланиб кетган. Ўтган ҳафта эса французларнинг миллий **«нон куни»** байрамида нон маҳсулотларидан турли катталикдаги футбол тўплари шаклида қандолатлар ясалиб, бепул тарқатилгани катта байрам нафасини бутун Франция бўйлаб таратди.

Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси иҳодий жамоаси.
ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.
Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОЕВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.
Мулоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 043, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.
● Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 21.30.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.